

---

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА ИНЧХОН ЎРТАСИДА БИРОДАРЛАШГАН ҲУДУДЛАР КЕЛИШУВИ ИМЗОЛАНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғонага амалий ташриф билан келган Корея Республикаси Инчхон метрополитен шаҳри ҳокимининг барқарор ривожланиш ҳамда сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Хэн Сук Ли бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Фарғона вилояти билан Инчхон шаҳри ўртасида иқтисодий-инвестицион алоқаларни ҳамда ижтимоий, маданий бошқа қатор соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президентининг дўстлиги ва сиёсий иродаси Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигига янги суръат бағишлагани ҳамда кўп қиррали муносабатларнинг изчил ривожланишига омил бўлаётгани мулоқот давомида алоҳида қайд этилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда Корея капитали иштирокида жами 43 та корхона фаолият олиб бораётгани, ўтган 2021 йилда 17,3 миллион долларни ташкил этган тўғридан тўғри Корея инвестициялари жорий йилнинг ўтган 11 ойида қарийб 45 миллион долларга етгани, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ривожига тўлиқ ҳамоҳанглиги таъкидланди.

Иқтисодиёти ва саноати ўта ривожланган, халқаро бизнеснинг маркази бўлган Инчхон метрополитен шаҳри билан Фарғона вилояти ўртасида ҳудудлараро ҳамкорликни кўп томонлама ривожлантиришга келишиб олинди.

Кореянинг энг йирик аэропорти жойлашган Инчхондан Фарғона шаҳрига тўғридан тўғри авиақатновлар йўлга қўйиш масаласини тезлаштириш бўйича фикр алмашилди.

Хэн Сук Ли хоним Инчхон метрополитен шаҳри мэри номидан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровни Инчхонга расмий таклиф қилди. Вилоят делегациясининг Инчхонга ташрифини келгуси йилда амалга ошириш режалаштирилди.

Учрашув якунида Фарғона вилояти ва Инчхон ўртасида савдо, инвестиция, фан, таълим, маданият, санъат, спорт, туризм ва бошқа йўналишлар бўйича кенг кўламли ҳамкорликни кўзда тутган биродарлашган ҳудудлар келишуви имзоланди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Иқболжон Эргашев, Хуршиджон Аҳмедов, Корея-Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Эдвард Ким ҳам иштирок этдилар.

---

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-12-16 13:32:28